

Тошкент вилояти Адлия бошқармаси
томонидан
2026 йил «__» _____ да
_____ - сон билан

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал
қурилиш, қурилиш индустрияси
ходимлари касаба уюшмаси
Республика Кенгаши Ижроия
қўмитасининг

ҚАЙТА РЎЙХАТГА ОЛИНГАН



2026 йил «14» феврал даги
«31.с^а» - сон қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

**ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ, ЙЎЛ ВА КАПИТАЛ
ҚУРИЛИШ, ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ
ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ БЎЛИНМАСИ**

НИЗОМИ
(янги таҳрирда)

**Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси
ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмаси**
НИЗОМИ
(янги таҳрирда)

I. Умумий қоидалар

II. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмасининг асосий мақсад ва вазифалари

III. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

IV. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмаси аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

V. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмаси раҳбар органлари ва уларнинг ваколатлари

VI. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмаси Конференцияси, Кенгаш мажлиси, Ижроия қўмита йиғилишларининг тўла қонуний ваколатли бўлиши ва уларда қарорлар қабул қилиш тартиби

VII. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмаси мулк ва пул маблағлари, уларни шакллантириш манбалари

VIII. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмасининг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқлари

IX. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмаси ҳисоб ва ҳисоботлари

X. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмасини шакллантириш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби

XI. Яқуний қоидалар

I. Умумий қондалар

1.1. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси (*кейинги ўринларда “касаба уюшмаси” деб юритилади*) Тошкент вилоят бўлинмаси (*кейинги ўринларда “бўлинма” деб юритилади*) тармоқ касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва касбий манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларининг ҳамда соҳа бўйича бирлашган кўмиталарнинг салоҳиятини юксалтириш ва ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш мақсадида тузилади ва Тошкент вилоятидаги тармоқ касаба уюшмасининг барча бошланғич ташкилотлари ва соҳа бўйича бирлашган кўмиталарнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Тармоқ касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмаси юридик шахс мақомига эга бўлиб, Тошкент вилоятидаги касаба уюшмаси тузилмаларини ихтиёрийлик асосида бирлаштирадиган нодавлат, ноижорат ташкилот ҳисобланади, касаба уюшмаси манфаатларини ифодалайди.

1.2. Тармоқ касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро конвенциялар, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Устави, тармоқ касаба уюшмаси Устави ҳамда юқори касаба уюшмаси органлари қарорлари ҳамда мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади.

1.3. Тармоқ касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмаси ўз фаолиятида, шу жумладан, молиявий фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақилдир, улар олдида ҳисобдор эмас ҳамда улар томонидан назорат қилинмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

1.4. Тармоқ касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмаси олдида турган вазифаларни амалга ошириш мақсадида бўлинма аппарати шакллантирилади. Бўлинма аппаратининг штат жадвали ҳамда уларнинг иш ҳақи миқдорлари белгиланган тартибда тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан тасдиқланади.

1.5. Бўлинманинг номланиши:

ўзбек тилида: Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмаси;

рус тилида: Ташкентское областное отделение профсоюза работников транспорта, дорожного и капитального строительства, строительной индустрии Узбекистана;

1.6. Тармоқ касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмаси жойлашган ери (почта манзили):

100029, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 24-уй.

II. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмасининг асосий мақсад ва вазифалари

2.1. Тармоқ касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмасининг асосий мақсади:

фукароларнинг касаба уюшмасига бирлашиш ҳуқуқини ҳеч қандай чекловлар ва тўсиқларсиз амалга ошириш;

бандлик ва меҳнат муносабатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, таълим олиш масалаларида ўз аъзоларининг яқка ёки жамоавий ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш;

давлат бандлик дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, бандликни таъминлаш, шу жумладан, янги иш ўринларини ташкил қилиш ва мавжудларини сақлаб қолиш, ходимларнинг оммавий равишда ишдан озод этилишининг олдини олишга эришиш;

ходимлар учун хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини яратилиши ва уларнинг меҳнатига муносиб ҳақ тўланишига эришиш;

ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилишини таъминлаш;

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларида меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантириш;

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда муносиб ҳордик чиқаришлари ва дам олишларини таъминлаш.

2.2. Тармоқ касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмасининг асосий вазифалари:

фукароларнинг касаба уюшмасига бирлашиш ҳуқуқини ҳеч қандай чекловлар ва тўсиқларсиз амалга ошириш ҳамда касаба уюшмаси ҳаракатининг бирлиги ва бирдамлигини мустаҳкамлаш;

касби, лавозими, ирқи, миллати, жинси, ёши, диний эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар ҳар бир касаба уюшмаси аъзосини меҳнат қилиш ва меҳнатга муносиб ҳақ тўланиши, ишни ва касбни эркин танлаш ва меҳнат шароити яратилиши, дам олиш, ишсизликдан ҳимояланишига доир ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

иш берувчилар ва уларнинг бирлашмаларида касаба уюшмаси аъзоларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича давлат дастурларини шакллантиришда ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ҳамда касб касалликларини текширишда иштирок этиш;

ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш тўғрисида, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш талабларининг бузилишларини бартараф этиш ҳақида иш берувчига тақлифлар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилишга доир мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш;

меҳнат ҳуқуқига оид ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив

хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳамда уларнинг ижроси бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш;

давлат бандлик дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, бандликни таъминлаш, шу жумладан янги иш ўринларини ташкил қилиш ва мавжудларини сақлаб қолиш, ташкилотларнинг фаолиятини яхшилаш, ходимларнинг оммавий равишда ишдан озод этилишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни таклиф этиш;

касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар даражаси кўтарилишига ҳамда меҳнатига муносиб ҳақ тўланишига эришиш;

иш берувчилар ва мансабдор шахслар томонидан меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси қоидалари ва меъёрларига риоя қилиниши, шунингдек Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари, тавсиялари талабларига амал қилиниши, иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши, ижтимоий суғурта маблағларидан фойдаланиш, касаба уюшмаси аъзоларига меҳнат ва дам олиш шароитларини яратилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш;

меҳнатга оид барча масалаларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш комиссияларини ташкил этиш, жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш;

тармоқ миқёсидаги ўртача иш ҳақи миқдорини таҳлил қилиш, ўз ваколатлари доирасида иш ҳақи ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, оммавий равишда ишдан озод этилаётган ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ходимларнинг тўлик бандлигини таъминлаш ишларини, яширин ишсизлик ва норасмий бандлик ҳолларини таҳлил қилиш, тегишли чоралар кўриш, ходимларнинг ўз малакасини ошириб боришига кўмаклашиш, квоталанган иш ўринларига фуқаролар ишга жойлаштирилиши, муассасалардан оммавий равишда ишдан озод этилаётган ходимларга моддий мадад чоралари қўлланилиши устидан назорат олиб бориш;

бандликка кўмаклашиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга, яшил иш ўринлари яратилишига кўмаклашиш;

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришни ташкил қилишга, дам олиш, санаторий - курортларда даволанишнинг самарали бўлишига, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, унинг оммавийлигини оширишга, иш вақтида ходимлар гимнастикаси жорий этилишига кўмаклашиш;

касаба уюшмаси аъзолари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида маҳаллий ва халқаро туризмни ривожлантириш, ходимларнинг жамоавий дам олишини ташкиллаштириш, маданий-маънавий, ахлоқий-тарихий, шунингдек умумбашарий кадриятларни тарғибот-ташвиқот қилиш;

кўрик-танловлар ва турли спорт мусобақаларини, оммавий-маданий тадбирларни ташкил этиш, ғолибларни мукофотлаш ва рағбатлантириш;

атроф муҳитнинг экологик мувозанатини сақлашга, аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга кўмаклашиш;

корхона ва ташкилотларда гендер тенглиги таъминланишига кўмаклашиш, оналик ва болаликни, шунингдек хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантиришга кўмаклашиш;

ёшларга оид давлат сиёсатига кўмаклашиш, ёш мутахассислар, иктидорли ёшларни кўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз устида доимий ишлаши, касбий маҳоратини мунтазам равишда ошириб бориши учун “Устоз-шогирд” тизими ва бошқа анъаналарни йўлга қўйиш, давом эттириш;

корхона ва ташкилотларда узоқ йиллар меҳнат қилиб пенсия ёшига етган ходимларнинг юбилей ва нафақага кузатиш тадбирларини ташкил қилиш, пенсияга чиққан ходимлар ҳолидан хабар олиш;

кам таъминланган, эҳтиёжманд фуқароларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш;

меҳнатда бошқаларга ибрат кўрсатган, фаол касаба уюшмаси аъзоларини моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш. Бу борада иш берувчилар ва уларнинг уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш.

Касаба уюшмаси ўз мақсадларига эришиш учун бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

III. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Гармоқ касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмасининг ҳуқуқлари:

ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга даъво аризаси, шунингдек суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш;

ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

кўриб чиқилиши шарт бўлган, ходимлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тўсқинлик қилувчи ёки уларни чекловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек бундай ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги тавсиялар ва ёзма сўровларни тегишли органларга юбориш;

давлат органларининг, иш берувчиларнинг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;

оммавий-ахборот воситаларида, шунингдек интернет тармоғи орқали ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

Низомда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун давлат органларидан, уларнинг мансабдор шахсларидан, иш берувчилардан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари масалалари юзасидан бепул ахборот олиш ҳамда зарур бўлган маълумотномаларни ва бошқа ҳужжатларни сўраб олиш;

иш берувчилар томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек жамоа шартномалари ва келишувлари талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини иш ўринларида амалга ошириш;

манфаатлари ифода этилаётган ходимларнинг иш жойларига монеликсиз кириш;

конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизасини ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширувчи инспекцияларни касаба уюшмаси Республика Кенгашининг тегишли рухсати билан тузиш;

ходимлар номидан жамоа музокараларини олиб бориш, жамоавий меҳнат низоларини тартибга солишда иштирок этиш, меҳнат низолари бўйича комиссияларнинг ишида иштирок этиш, оммавий равишда ишдан озод этиш оқибатларини юмшатишга қаратилган маслаҳатлашувлар ўтказиш;

иш берувчининг ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш тўғрисидаги қарорини олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб туриш ҳақидаги таклифларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун киритиш;

жамоа шартномасида ёки келишувида назарда тутилган ҳолларда, тегишли касаба уюшмасининг ёки бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг олдиндан розилигини олмасдан туриб меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга, агар конун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, йўл қўймаслик;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, битимлар ҳамда шартномалар, шунингдек бошқа қўшма ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини ўтказиш;

ташкilotларнинг раҳбарларига ҳамда бошқа мансабдор шахсларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш, шунингдек ташкilotларнинг раҳбарларига мазкур қоидабузарликларда айбдор бўлган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритиш;

ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилиш, конференция ва семинарлар ўтказиш ҳамда заруратга кўра навбатдан ташқари Конференция, Кенгаш ва Ижроия қўмита йиғилишини чақириш;

касаба уюшмаси Уставига зид келмайдиган дастурий ва локал ҳужжатларни қабул қилиш;

ўз вакилларини касаба уюшмаси Кенгаши таркибига сайлаш, уларни чақириб олиш, алмаштириш;

касаба уюшмасининг сайлаб қўйиладиган органларига касаба уюшмалари фаолиятининг ҳар қандай масалалари бўйича мурожаат қилиш, тушунтириш ва ахборот олиш, зарурат туғилганда қўйилган масалани ҳал қилишда иштирок этиш;

ҳужжатлар лойиҳаларини касаба уюшмаси Қурултойлари ва сайлаб қўйиладиган органларига кўриб чиқиш учун киритиш;

спорт мусобақалари, кўрик-танловлар, оммавий-маданий тадбирлар ташкил этиш; Бўлинма конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

3.2. Тармоқ касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмасининг мажбуриятлари:

Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларига риоя этиш;

Ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;

бўлинма томонидан касаба уюшмаси хизмати кўрсатиладиган ўз ҳисоб рақамига эга бўлмаган ҳар бир бошланғич ташкилотлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларининг тузилиши ҳамда унинг ижроси бўйича таҳлиллар олиб борилишини таъминлаш;

бўлинмани рўйхатдан ўтказувчи органга режалаштириладиган тадбирлар ҳақида олдиндан хабар қилиш ва унинг вакилига ушбу тадбирларга эркин кириш имконини бериш;

рўйхатдан ўтказувчи, давлат солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиш;

ўз фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш;

касаба уюшмаси юқори органларининг қарорларини бажариш;

аъзолик бадалларини ҳисоблаш, тўлаш ва йўлланмалардан фойдаланиш билан боғлиқ молиявий ҳисобот, бошқа статистик маълумотларни белгиланган шакл ва тартибда касаба уюшмаси юқори органига тақдим этиш.

Бўлинма конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

IV. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмаси аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Касаба уюшмасига аъзолик ихтиёрий ҳисобланади.

Касаба уюшмасига аъзо бўлиб кириш истагини билдирган, касаба уюшмаси Устави ва ушбу Низомни тан олувчи ва аъзолик бадалларини ўз вақтида тўловчи ўн олти ёшга тўлган, мулкчилик шаклидан қатъий назар транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, уй-жой ва коммунал хўжалиги, сув таъминоти соҳалари тизимида қиравчи корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат фаолиятини амалга оширадиган ҳар бир фуқаро ҳамда тармоққа тааллуқли ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида таълим олаётган ўқувчи ва талабалар, қисман банд ва вақтинча ишсиз бўлган фуқаролар ҳамда пенсионерлар касаба уюшмаси аъзоси бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида яшаётган, тармоққа тааллуқли ташкилотларда меҳнат қилаётган ёки таълим олаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, касаба уюшмасига аъзо бўлишлари мумкин ва тенг ҳуқуқлидир.

Касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш яқка тартибда, аъзоликка қиравчи шахснинг аризасига кўра, касаба уюшмаси ва унинг бўлинмалари, шу жумладан бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг қарорига асосан амалга оширилади. Касаба уюшмасига аъзолик бу тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан бошланади.

Корхона, ташкилот ва муассасада бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти бўлмаган ҳолларда ходимларни касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш касаба уюшмаси бўлинмаси раҳбар органи қарори билан амалга оширилади.

Касаба уюшмаси аъзолигидан чиқиш ихтиёрийлик асосида ходимнинг шу ҳақидаги аризасига асосан бошланғич ташкилот қарорига кўра амалга оширилади.

4.2. Касаба уюшмаси аъзолари, қоида тариқасида, асосий иш (ўқиш) жойларидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида ҳисобда турадилар.

4.3. Касаба уюшмасига аъзоликни қуйидагилар сақлаб қоладилар:

туғруқ ва фарзанд тарбиялаш таътилида бўлган ходимлар;

болани, касал ва ногиронларни парвариш қилиш сабабли вақтинча иш фаолиятини тўхтатган касаба уюшмаси аъзолари;

саломатлиги ёмонлашганлиги ёки ёши етганлиги сабабли пенсияга чиқиб, меҳнат фаолиятини тўхтатган ҳамда касаба уюшмаси ташкилоти билан алоқани узмаган ва аъзолик бадалларини тўлаб турувчи касаба уюшмаси аъзоси;

иш ўринлари (штат) сонининг қисқариши, корхонанинг ёпилиши сабабли ишдан озод қилинган ходимлар – ишга жойлашгунларига қадар;

ходим иш берувчи томонидан ноқонуний равишда ишдан бўшатишган ҳолларда - қайта ишга тиклангунига қадар;

ходим мавсумий ишларда банд бўлиб, кейинги мавсумда ишни қайта бошлагунига қадар;

Республика ҳудудидан ташқарига ўқиш ва хизмат вазифаси билан боғлиқ вақтинча ишга кетганлар – қайтиш даврига қадар;

бошқа узрли сабабларга кўра (тегишли касаба уюшмаси органининг қарори асосида).

Ходим у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганидан сўнг ҳам аризасига асосан, аъзолик бадалларини тўлаб туриш шarti билан касаба уюшмаси аъзолигини давом эттириши мумкин. Бундай шахсларнинг аризаси бошланғич ташкилот органи томонидан кўриб чиқилади ва тегишли қарор асосида амалга оширилади. Қабул қилинган қарор ҳақида амалдаги қонунларда белгиланган муддатларда ёзма жавоб берилиши шарт.

4.4. Қуролли кучлар сафидан хизматдан қайтганлар учун касаба уюшмасига аъзолик тикланади.

4.5. Касаба уюшмаси аъзосининг ҳуқуқлари.

Касаба уюшмаси аъзолари тармоқ касаба уюшмаси Устави ҳамда ушбу Низомда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари борасида тенг ҳуқуқлидирлар.

Қуйидагилар касаба уюшмаси аъзосининг ҳуқуқлари ҳисобланади:

ўзининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишини сўраб ҳар қандай даражадаги касаба уюшмаси органларига мурожаат этиш ва мурожаати бўйича тегишли жавобни талаб қилиш;

касаба уюшмаси органларидан бепул ҳуқуқий ёрдам олиш;

касаба уюшмаси ташкилотлари, органлари фаолиятида иштирок этиш, қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва ижросини таъминлашда қатнашиш;

касаба уюшмаси фаолияти, шу жумладан молиявий фаолияти ҳақидаги ахборот ва ҳисоботларини ҳисобот йиғилишларида эшитиш, маълумот олиш;

касаба уюшмаси раҳбар органларига сайлаш ва сайланиш;

ўзининг фаолияти ва ҳулқ-атворида тааллуқли масала кўрилаётган йиғилишлар, касаба уюшмаси органлари мажлисларида шахсан иштирок этиш;

касаба уюшмасининг фаолиятини касаба уюшмаси йиғилиш (конференция)ларида, Қурултойларида, сайланма органлар мажлисларида, оммавий ахборот воситаларида эркин муҳокама этиш ва танқид қилиш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ўз таклифларини киритиш, ўз фикрини очиқ баён этиш ва ҳимоя қилиш, қарорлар ишлаб чиқишда иштирок этиш;

касаба уюшмаси томонидан ташкил этиладиган оммавий, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ва бошқа тадбирларда, танловларда ҳеч қандай тўсиқсиз қатнашиш;

касаба уюшмаси тизимидаги ёки уларга фойдаланиш учун берилган маданият муассасалари, спорт-соғломлаштириш иншоотларидан биринчи навбатда ва имтиёзли шартлардан фойдаланиш;

касаба уюшмаси раҳбар органлари томонидан белгиланган тартибда маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилиш;

шахсий аризасига кўра касаба уюшмасидан эркин чиқиб кетиш;

санаторийлар, санаторий-профилакторийлар, дам олиш масканлари, болалар дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларига белгиланган тартибда имтиёзли йўлланмалар сотиб олиш.

4.6. Касаба уюшмаси аъзосининг мажбуриятлари:

касаба уюшмаси Устави ва ушбу Низомга риоя қилиш, касаба уюшмаси органлари ва ташкилотларининг тегишли қарорлари ва топшириқларини бажариш;

ҳар ойда белгиланган тартиб ва миқдорда аъзолик бадалларини тўлаш;

тармоқ жамоа келишувлари ҳамда жамоа шартномаларининг шартлари бажарилишига кўмаклашиш ва қатнашиш;

касаба уюшмаси органлари томонидан қабул қилинган қарорларни оғишмай бажариш ва амалга оширилишига кўмаклашиш, меҳнат ва касб интизомини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш;

касаба уюшмаси ва касаба уюшмаси ташкилотининг обрўсини мустаҳкамлашда кўмаклашиш, касаба уюшмасига зарар етказадиган ҳаракатларга йўл қўймаслик;

касаба уюшмаси ва касаба уюшмаси ташкилотининг йиғилишларида, агар делегат сифатида сайланган бўлса, тегишли касаба уюшмаси ташкилотининг конференцияси ёки Қурултойида шахсан иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

4.7. Касаба уюшмаси ва касаба уюшмаси ташкилотининг фаолиятида фаол иштирок этганлиги учун касаба уюшмаси аъзосига қуйидаги рағбатлантириш турлари тақдим этилиши мумкин:

ташаккурнома эълон қилиш;

қимматбаҳо ва эсдалик совғалари билан мукофотлаш;

пул мукофоти билан тақдирлаш;

Рағбатлантиришнинг шакли ва тартиби бўлинма Ижроия қўмитаси томонидан белгиланади.

4.8. Касаба уюшмаси Устави ва ушбу Низомдаги мажбуриятларини қўпол равишда бузган касаба уюшмаси аъзосига нисбатан қуйидаги чоралар қўлланилади:

танбех;

сайланма орган таркибида бўлса – орган таркибидан чақириб олиш;

касаба уюшмаси аъзолигидан чиқариш.

Касаба уюшмаси аъзосига чораларни қўллаш масаласи унинг иштирокида, узрли сабабларсиз келмаган ҳолларда эса унинг иштирокисиз бошлангич касаба уюшмаси ташкилоти умумий йиғилишида ёки касаба уюшмаси юқори турувчи органи йиғилишида ҳал қилинади.

Кворум мавжуд бўлган ҳамда йиғилиш қатнашчиларининг учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирдагина касаба уюшмасидан чиқариш ҳақидаги қарор ҳақиқий ҳисобланади.

Аъзога нисбатан кўрилган чора тўғрисидаги қарор ҳақида касаба уюшмаси аъзосига хабар қилинади.

Чора кўрилган шахс чора кўрилганлиги тўғрисидаги қарор устидан мазкур қарор нусхасини олган кундан эътиборан бир ой давомида юқори касаба уюшмаси раҳбар органига шикоят қилишга ҳақли.

Кўлланилган чорани олиб ташлаш масаласи чора кўллаган орган томонидан кўриб чиқилади. Касаба уюшмаси аъзосига чора кўлланилган кундан бошлаб, бир йил ўтгандан сўнг чора кўлланилмаган ҳисобланади.

Касаба уюшмасига аъзолик бадалларини кетма-кет олти ойдан ортиқ вақт тўламаган касаба уюшмаси аъзоси касаба уюшмаси аъзолигидан чиқарилган, деб ҳисобланади. (Низомнинг 4.3.-бандида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно)

Касаба уюшмаси сафидан чиққан шахс касаба уюшмаси томонидан ҳимояланиш, касаба уюшмаси мулки ва воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотади.

Касаба уюшмаси аъзоси касаба уюшмасига тегишли бўлган мулкда ўз улушига, шу жумладан, тўлаган аъзолик бадалларига мулк ҳуқуққа эга бўлмайди.

V. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмаси раҳбар органи ва уларнинг ваколатлари

5.1. Қуйидагилар тармоқ касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмаси органи хисобланади:

Конференция – олий раҳбар органи;

бўлинма Кенгаши – конференциялар оралигида доимий ҳаракатдаги коллегиял раҳбар органи;

бўлинма Ижроия қўмитаси – конференциялар оралигида доимий ҳаракатдаги коллегиял ижроия органи;

бўлинма Кенгаши раиси – фаолиятини яққабошчилик асосида амалга оширувчи ижро органи (бир пайтнинг ўзида бўлинма раҳбари деб ҳам юритилади);

бўлинма Тафтиш комиссияси – фаолиятини коллегиялик асосида амалга оширувчи назорат органи.

5.2. Конференция тармоқ касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмасининг олий раҳбар органи хисобланади ва беш йилда бир мартаба Кенгаш қарори билан чақирилади. Уни чақириш муддати, вакиллик меъёри, делегатларни сайлаш тартиби ва кун тартиби камида бир ой олдин эълон қилинади.

Навбатдан ташқари Конференция бўлинма хизматида бўлган бошланғич ташкилотлардаги касаба уюшмаси аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талабига мувофиқ, бўлинманинг ўзини ташаббуси билан, шунингдек тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитасининг қарорига кўра чақирилади. Конференцияни чақириш муддати, вакиллик меъёри, делегатларни сайлаш тартиби ва кун тартиби бўлинма Ижроия қўмитаси томонидан белгиланади. Уни чақириш тўғрисидаги қарор ва тахминий кун тартиби камида ўн беш кун олдин эълон қилинади.

Конференция қарорига мувофиқ делегатларнинг ваколатлари навбатдаги конференцияга қадар сақлаб қолиниши мумкин.

5.3. Конференция ваколатига:

бўлинма Кенгаши ва Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини эшитади, ҳисобот муҳокамаси асосида бўлинма фаолиятига баҳо беради;

бўлинма Кенгаши раисини ва аъзоларини, Тафтиш комиссияси раиси ва аъзоларини сайлайди;

Белгиланган сон жихатидан меъёр (квота)га мувофиқ касаба уюшмаси Қурултойига делегатларни сайлаши, делегатларни сайлаш билан бир вақтда касаба уюшмаси Кенгаши таркибига ўз вакилларини тавсия этиши мумкин;

Белгиланган сон жихатидан меъёр (квота)га мувофиқ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгаши конференцияларига делегатларни сайлаши, шунингдек ҳудудий кенгаши таркибига ўз вакилларини тавсия этиши мумкин.

Конференция қарорларининг бажарилиши бўлинма хизматидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари ва бирлашган кўмиталари учун мажбурийдир.

5.4. Конференция олий раҳбар орган сифатида бўлинма Кенгаши ва Ижроия кўмитаси масалаларига доир қарорлар қабул қилиши мумкин.

5.5. Бўлинма Кенгаши Конференциялар оралиғида раҳбар орган бўлиб, беш йил муддатга сайланади.

Бўлинма Кенгаши мажлиси бўлинма Ижроия кўмитаси қарори билан бир йилда камида бир мартаба чақирилади.

Ижроия кўмита қарори билан ёки бўлинма хизматидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларининг камида учдан бир қисмининг ташаббусига кўра, шунингдек тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия кўмитасининг қарори билан Кенгашнинг навбатдан ташқари мажлиси чақирилиши мумкин.

5.6. Бўлинма Кенгаши:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан белгиланган устивор йўналишлар ва Устав асосида бўлинма фаолиятининг устивор йўналишларини белгилайди ва амалга оширилишини таъминлайди;

касаба уюшмаси ва тегишли ташкилотлар ўртасида тузилган тармоқ келишувини ҳудудда бажарилишини ташкил қилади;

бўлинма хизматидаги бошланғич ташкилотларда устивор йўналишларни амалга оширилишига тааллуқли масалаларни ўз мажлисларида кўриб чиқади, тегишли қарорлар қабул қилади;

бошланғич ташкилотларнинг ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш соҳасидаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиради ва қўллаб-қувватлайди;

жойларда меҳнатга оид қонун талаблари, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларида белгиланган мажбуриятларни тўлиқ бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади ва олиб боради;

Конференцияни чақиради, унинг муддати, вакиллик меъёри, делегатларни сайлаш тартиби ва кун тартибини белгилайди;

Конференция қарорлари бажарилишини ташкил қилади;

бўлинма Ижроия кўмитасини сайлайди, зарур ҳолларда Ижроия кўмита таркибига ўзгартиришлар киритади;

бўлинма Ижроия кўмитасининг ҳисоботларини тинглайди;

Конференциялар оралиғида юқори касаба уюшмаси Кенгаши таркибига, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгаши таркибига сайланган ўз вакилларини чақириб олади ва ўрнига бошқа вакилларни сайлайди;

зарурият туғилганда, Конференциялар оралиғида тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан келишган ҳолда, бўлинма Кенгаши раисини сайлаш ҳамда

лавозимидан озод этиш, шунингдек бўлинма Кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш ваколатига эга.

5.7. Бўлинма Кенгаши жорий масалаларни ҳал этиш учун ўз ваколати муддатига тенг муддатга бўлинма Ижроия қўмитасини сайлайди.

Бўлинма Ижроия қўмитаси йиғилишлари заруратга қараб, лекин чоракда камида бир маротаба ўтказилади.

5.8. Бўлинма Ижроия қўмитаси:

Курултойлар, Конференциялар ва юқори касаба уюшмаси органлари қарорларини бажарилишини ташкил этади ва назорат қилади, бажарилган ишлар тўғрисида бўлинма Кенгашига ахборот беради;

касаба уюшмаси бюджети бўйича даромадлар ва харажатлар сметасини тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан келишган ҳолда тасдиқлайди, касаба уюшмаси бюджети маблағларидан оқилона фойдаланишни амалга оширади;

ходимларнинг тўла бандлигини таъминлаш, ходимларнинг малакасини оширилишига кўмаклашиш, касаначиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, корхона (муассаса ва ташкилот)ни қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши сабабли оммавий равишда ишдан озод этилаётган ходимларга моддий мадад чоралари қўлланиши устидан назорат олиб боради;

жамоа шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқишда катнашади, уларни бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

жойларда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиб боради, меҳнатни муҳофаза қилишнинг қоида ва меъёрларига риоя этилиши устидан жамоат текширувини амалга оширади, ходимларга хавфсиз меҳнат шароитлари таъминланишига кўмаклашади ҳамда ходимларнинг меҳнат муҳофазасига доир ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

маданий-маърифий, спорт ишлари йўналишларида бошланғич ташкилотларда ишлаб чиқилган тадбирларнинг ижросини назоратга олиб, уларни ташкил қилишда кўмаклашади;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан ўтказиладиган тадбирларда ҳудуддаги бўлинма хизматидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларидан вакиллар катнашишини ташкиллаштиради;

жойларда меҳнат қонунчилигининг тўғри қўлланишини назоратга олиб, бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш ишларида иштирок этади;

бўлинма хизматига янги келиб қўшилган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларни ҳисобга олиб боради ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатади;

бўлинма аппаратининг иш режасини тасдиқлайди;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилот раислари ҳисоботини эшитади, уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади ҳамда уларга амалий ва методик ёрдам кўрсатади;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раислари, касаба уюшмаси фаоллари ўқувини ташкил қилади;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларидаги касаба уюшмаси фаолларини касаба уюшмаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фахрий ёрликлари, нишонлари билан тақдирлаш ҳақида тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгашига тақдимномалар киритади;

юқори органлар қарорларини бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларига етказади ва бажарилишини назоратга олади;

ходимлар ва улар оила аъзоларининг соғломлаштирилишини ташкил этади;

зарурат туғилган (Ўз хошишига кўра лавозимидан озод этиш ҳақида ариза берган, соғлиги туфайли вазифаларини бажара олмай қолган, бошқа ишга ўтган) ҳолларда бўлинма Кенгаши раисини лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

касаба уюшмаси Устави ёки қонунчилик талабларини бузган, ўз фаолиятида молиявий камчиликларга йўл қўйган бўлинма раҳбари ва масъул шахсларига нисбатан тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси тавсиясига асосан “Танбех” ёки молиявий чора кўради;

ўз фаолиятида ижро интизомини мунтазам равишда бузган, молиявий камчиликларга йўл қўйган бўлинма Кенгаши раисини вазифасидан озод этилиши ва қайта сайлов ўтказилиши ҳақида қарор қабул қилади. Бунда, ижро интизомини бузганлиги ёки молиявий камчиликка йўл қўйганлиги учун мазкур Низомда белгиланган тартибда чора кўрилган кундан эътиборан бир йил мобайнида такроран камчиликка йўл қўйилиши мунтазам равишда ижро интизомини бузиш деб ҳисобланади;

касаба уюшмаси Уставида белгиланган бошқа вазифаларни амалга оширади.

5.9. Бўлинма Кенгаши раиси:

Бўлинма Кенгаши раиси тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан келишилган ҳолда бўлинма Конференциясида беш йил муддатга сайланади.

бўлинма раҳбари, Ижроия қўмита аъзоси ҳамда бир вақтнинг ўзида раиси ҳисобланади ва:

касаба уюшмаси Устави ва мазкур Низомда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни, Конференция, Кенгаш, Ижроия қўмита қарорларини бажарилиши юзасидан фаолият юритади;

Конференция, бўлинма Кенгаши, бўлинма Ижроия қўмитаси қарорларига имзо чекади;

Бўлинма Ижроия қўмитасининг йиғилишларини чақиради;

бўлинма аппарати ишига умумий раҳбарликни амалга оширади;

ўрнатилган тартибда ва тасдиқланган сметага мувофиқ бўлинманинг мулк ва пул маблағларини тасарруф этади ҳамда бошқаради;

жойларда жамоа шартномалари бажарилиши бўйича статистик ҳисоботларни юритади;

бўлинма аппаратининг масъул ходимлари лавозимларига номзодларни тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан келишилган ҳолда амалдаги қонунчиликка мувофиқ улар билан меҳнат шартномасини тузади ва бекор қилади;

бўлинма аппаратининг фаолияти билан боғлиқ фармойишлар чиқаради;

бўлинма аппарати ходимлари томонидан ижро интизомига риоя этилишини таъминлайди ҳамда назорат қилади, уларни рағбатлантириш ва интизомий жазо қўллаш масаласини ҳал қилади;

бўлинма хизматидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раҳбари (раис, ташкилотчи)нинг имзолар намунасини тасдиқлайди;

касаба уюшмаси маблағларини мақсадли сарфланиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

Конференция, бўлинма Кенгаши ва бўлинма Ижроия қўмитаси томонидан юклатилган бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

Бўлинма Кенгаши раиси қуйидаги масалаларни бажарилишини таъминлайди ва натижаси учун шахсан жавоб беради:

меҳнат, бандлик, ижтимоий муҳофаза, соғломлаштириш, маданият, спорт ва бошқа масалалар бўйича тегишли идораларга таклифлар киритиш, уларнинг амалга оширилишига эришиш;

зарур ҳолларда кадрларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлашни иш берувчилар, тегишли идоралар раҳбариятидан талаб қилиш;

бўлинмага келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва асослантирилган жавоб бериш;

корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил қилиш;

бошланғич ташкилотларда касаба уюшмаларига аъзолик бадаллари тушуми тўлиқлигини таъминлаш;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тузилишини ташкиллаштириш;

худуд бўйича касаба уюшмалари ташкилотлари тузилган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг тўлиқ реестрини юритиш;

махаллий ва республика оммавий ахборот воситалари, интернет тармоғи орқали кенг жамоатчиликни бўлинманинг фаолияти тўғрисида хабардор этиш;

касаба уюшмаси юқори органлари томонидан талаб қилинаётган ахборот ва ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш;

умумий мақсадлар йўлида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг худудий кенгаши билан ўзаро самарали ҳамкорлик қилиб бориш.

5.10. Бўлинма Тафтиш комиссияси:

Бўлинма Тафтиш комиссияси бўлинма Конференцияси томонидан бўлинма Кенгашининг ваколат муддатига тенг муддатга сайланади ва жамоатчилик асосида фаолият юритади;

ўз фаолиятида мустақил бўлиб, фақат бўлинма Конференцияси олдида ҳисобот беради.

касаба уюшмаси Устави, мазкур Низом ва касаба уюшмаси Курултойи томонидан тасдиқланадиган “Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси тафтиш комиссиялари тўғрисида”ги Низомга мувофиқ фаолият олиб боради.

5.11. Бўлинма Тафтиш комиссиясининг фаолияти тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Тафтиш комиссияси томонидан бевосита мувофиқлаштириб ва йўналтириб турилади.

VI. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмаси Конференцияси, Кенгаш мажлиси, Ижроия қўмитаси йиғилишларининг тўла қонуний ваколатли бўлиши ва уларда қарорлар қабул қилиш тартиби

6.1. Бўлинма Конференцияси унинг ишида сайланган делегатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда тўла қонуний ваколатли ҳисобланади.

6.2. Бўлинма Кенгаши мажлиси, Ижроия қўмитаси йиғилишлари уларда аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда тўла қонуний ваколатли ҳисобланади.

6.3. Кворум мавжуд бўлган ҳолда Конференция ишида иштирок этаётган делегатлар, Кенгаш, Ижроия қўмита аъзоларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган

тақдирда, Конференция, Кенгаш, Ижроия қўмитанинг қарорлари қабул қилинган ҳисобланади.

6.4. Қарорлар қабул қилишда овоз бериш шакли (очик ёки яширин) Конференция делегатлари, Кенгаш, Ижроия қўмита аъзолари томонидан белгиланади.

VII. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмаси мулк ва пул маблағлари, уларни шакллантириш манбалари

7.1. Бўлинма касаба уюшмаси Устави ва мазкур Низомдаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган ўзига тегишли мулки ва пул маблағларига эгалик қилади, улардан фойдаланади, белгиланган тартибда сарфлайди. Бўлинманинг мулки ва пул маблағлари касаба уюшмаси аъзоларининг ҳар ойлик аъзолик бадаллари, қонунларда белгиланган тартибда тадбиркорлик, хўжалик ва бошқа тижорат фаолиятдан олинган, Устав мақсадларига йўналтирилувчи даромадлар, ижтимоий, маданий-маърифий ва бошқа ишлар, жисмоний тарбия-спорт тадбирларини ўтказиш учун юридик, жисмоний шахслар томонидан ўтказиладиган, шунингдек қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлардан шакллантирилади.

Маблағлар тасдиқланган бюджетга мувофиқ амалдаги қонунчилик доирасида касаба уюшмаси Устави мақсадларига сарфланади.

7.2. Бўлинмага ҳар ойлик аъзолик бадаллари ходимнинг аризасига кўра, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида қабул қилинган жамоа шартномасидаги келишувга асосан, қорхонанинг ҳисобхонаси орқали нақд пулсиз ўтказилади.

7.3. Касаба уюшмаси аъзоларининг ҳар ойлик бадаллари қуйидагича йиғилади: ишловчилардан иш жойида барча турдаги иш ҳақлари, стипендия, меҳнатга ҳақ тўлаш фондига қирувчи қўшимча тўловлар, муқофотларидан, бироқ бир фоиздан кам бўлмаган миқдорда;

пенсиялардан республикада белгиланган ёшга доир энг кам пенсия ва вақтинча ишламайдиганлардан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир фоизи миқдорида.

Уч ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан банд бўлган аёллар бадал тўлашдан озод қилинадилар.

7.4. Йиғилган аъзолик бадалларини тақсимлаш тартиби ва миқдори Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан белгиланади.

7.5. Бўлинма фаолияти тугатилганда ёки аъзо ташкилот унинг сафидан чиққанда пул маблағлари ва мулки бўлинмайди ва қайтарилмайди.

VIII. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмасининг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқлари

8.1. Бўлинма юридик шахс ҳисобланади. У ўз муҳри, штамплари, бланклари ва банкларда ҳисоб рақамларига эга.

8.2. Бўлинма ўз бланкида тармоқ касаба уюшмаси рамзи тасвиридан фойдаланиши мумкин.

IX. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмаси ҳисоб ва ҳисоботлари

9.1. Бўлинма ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органлари, шунингдек тармок касаба уюшмаси Республика Кенгашига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

X. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бўлинмасини шакллантириш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби

10.1. Бўлинмани шакллантириш (ташкил этиш), қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш), шунингдек, унинг фаолиятини тугатиш тармок касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан амалга оширилади.

10.2. Бўлинмани тугатиш учун қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

касаба уюшмасининг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритилиши натижасида бўлинманинг мақсадга мувофиқ эмас деб топилиши;

бўлинма томонидан бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларига етарли даражада касаба уюшмаси хизмати кўрсатилмаётганлиги учун уни тугатиш ҳақида вилоят бўлинмаси хизматидаги бошланғич ташкилотларнинг камида учдан икки қисмининг талаби;

бўлинма фаолиятининг самараси етарли бўлмаётганлиги, касаба уюшмасининг мақсад ва вазифаларини жойларда тадбиқ этилишида ижобий натижаларга эришмаётганлиги;

бошланғич ташкилотларнинг муаммоларини ҳал этишда бўлинма томонидан самарали чора-тадбирларнинг кўрилмаслиги ва бошқа ҳоллар.

10.3. Бўлинмани тугатиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, тармок касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш комиссиясини тайинлайди, шунингдек кредиторлар талаби қаноатлантирилгандан сўнг қолган мулки Уставда белгиланган мақсадларга сарфлаш учун юқори касаба уюшмасига ўтказилади.

10.4. Бўлинма фаолиятини тўхтатиш, шунингдек уни тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

XI. Яқуний қоидалар

11.1. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тармок касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитасининг ваколатига қиради.

11.2. Низомга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказиш учун Тошкент вилояти Адлия бошқармасига тақдим этилади.

11.3. Бўлинма томонидан мазкур Низомга амал қилинишининг таъминланиши юзасидан масъулият Кенгаш раиси – бўлинма раҳбари зиммасига юклатилади.

Республика Кенгаши раиси



А.К.Нугманов